



### Замонавий корхона



**Жарқўргон туманидаги «Сурхонтекс» кўшма корхонасида йилига 5 минг тонна ип-калава ишлаб чиқарилмоқда.**

Замонавий технология билан жиҳозланган мазкур корхонада олти юзга яқин ишчи ва муҳандис фаолият юритмоқда.

**Суратларда:** кўшма корхона ишчиси Гулчеҳра Баратова; ишчи Шаҳноза Расулова. Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар

### Касаба уюшма ҳаёти

«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» эзгу гоясини ўзида мужассам этган маънавий-маърифий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари тобора қизгин тус олмоқда.

## Яқдиллик билан

Учқудук туманида ўтказилган очик қабул ва уюшув кечасида 200 нафарга яқин ҳудуд фаоллари иштирок этди. Корхона, ташкилот ва муассасалар бошланғич касаба уюшма кўмиталари етакчилари, кенгаш раислари ва иш берувчи ташкилотлар вакиллари амалга оширилиши лозим бўлган ишларга яна бир бор эътибор қаратдилар. Навоий вилоят касабаси кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Назира Тоғаева бу ҳақда шундай деди:

Олис минтакаларда яшаб, меҳнат қилаётган кам таъминланган оила вакиллари, хусусан, аёлларнинг моддий ва маънавий рағбатлантиришни олдимизга мақсад қилиб кўйганмиз. Бунга қайсидир даражада эришдик, деб ўйлайман. Энг муҳими, қўлга киритаётган ютуқларда, меҳнатқашларга кўрсатилган беқийс ғамхўрликларда касаба уюшмаларининг ҳам улushi борлиги кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда.

Бундай уюшувлар вилоятнинг Томди, Конимех, Нурота, Кармана, Хатирчи туманларида, Зарафшон шаҳрида ҳам бўлиб ўтди. Тадбирларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан ажратилган қимматбаҳо совғалар кам таъминланган оилалар бекаларига топширилмоқда.

Мансур АЛОВУДИНОВ, «Ishonch» мухбири

### Бошланғичда нима гап?

Куйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавзаси бошқармаси таркибидagi Сирдарё насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармасининг асосий вазифаси вилоят ҳудудидagi экин майдонларининг мелиорация-ирригация тизимларини яхшилаш ҳамда экинзорларга сув чиқариб беришдан иборат.

## Интилиш самараси

Бошқарма тасарруфидa 39 та насос станцияси ва уларга хизмат кўрсатадиган 100 та насос агрегати мавжуд. Бу насослар ёрдамида 56 минг 190 гектар майдонга сув чиқарилади. Шу тарихда ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, шўрланиш даражаси пасайтирилади.

Вилоятимизда оқар сув етиб бормайдиган ҳудудлар анчагина, — дейди бошқарма бошлиғи Шоҳзамон Латипов. — Бошқарма ҳисобидан имтиёзли кредит билан 95 та фермер хўжалигига насос ўрнатиб бердик. 431 нафар фермерга шахсий насосларни таъмирлашда ёрдам қилинди. Утган йили 181 та тик қудуқ ва 21 та насосни таъмирлаб, зарур жойларда 9 та насос ўрнатдик. Натижада, пахта ва галла ҳосилдорлиги ошди.

Жамоада меҳнат қилаётган ишчиларнинг ишлаш ва дам олиш шароитини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади. Тизимда 14 нафар ходимга спорт формалари тақдим этилди. Март ойида 50 нафар ишчига Гулистон шаҳар ўйингоҳига чипталар олиб берилди. Шунингдек, корхонанинг фахрий муҳандиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор Владимир Кученко хотирасига бағишлаб бошланғич ташкилот ходимлари ҳамда мелиоратив ва суғориш қудуқлари меҳнат жамоалари ўртасида футбол бўйича хотира турнири ташкил этилди. Шу кун 25 нафар фахрийга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Эзги таътилда бошқарма ишчи-ҳодимларининг фарзандларидан 25 нафари бошланғич эзги соғломлаштириш оромгоҳида соғломлаштирилди. Ходимлардан 4 нафари «Зомин» сихатгоҳи, «Уруш ва меҳнат» фахрийлари шифохонаси ҳамда Гулистон шаҳар шифохонасида саломатлигини тиклади. — Мамлакатимиз раҳбарининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан бошқарма тасарруфидagi ҳар бир насос станцияси ва мелиоратив тик қудуқлар участкалари қошида маҳаллий имкониятлар ҳамда шарт-шароитлар эътиборга олинib, чорвачилик, паррандачилик, балкичилик, богдорчилик хўжаликларига асос солинди, — дейди Пиримқул Дўсмаматов. — Жумладан, Сайхунобод, Сирдарё ва Мирзаобод туманларидаги станцияларда чорвачилик ва богдорчилик, Боёвут туманида паррандачилик ва кўён парварishi йўлга қўйилди. Мазкур хўжаликларда етиштирилаётган маҳсулотларни эвазига тармоқдаги ишчи-хизматчиларнинг турмуш фаровонлиги сезиларли даражада ўзгарди.

Тартиб билан терилган ҳужжатлар ва улардаги рақамларни қўриб бироқ ошириб ёзилганмикин, деган ҳаёлга ҳам боргандик. Бироқ кун давомида жамоа меҳнати, кайфияти, танаввули дам олиши билан танишиб, қогозлар етарли сабаб билан қораланганига амин бўлдик.



Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

### Кўрик-танлов

## Ғолиблар аниқланди

Ўзбекистон темирўлчилари ва транспорт курувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши тизимидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ўтказилди. Унда тизимдаги барча ҳудудий, бирлашган ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари иштирок этди.

Кўрик-танлов бошланғич ташкилотларнинг ишчи-ҳодимлари ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, дам олишини муносиб ташкил этиш ва соғломлаштириш, меҳнат муҳофазасини самарали йўлга қўйиш борасида амалга ошираётган ишлари, жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши, касаба уюшма аъзоллигига жалб этиш ва бошқа қатор шартларга асосан ўтказилди.

Натижада «Қуов-механика заводи» шўъба корхонаси касаба уюшма кўмитаси биринчи ўринга лойиқ топилиб, яқиний босқич йўлланмасини қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар «Ўзтемирўл-маштаъмир» унитар корхонаси ҳамда Бухоро алоқа ва сигналлаштириш дистанцияси касаба уюшма ташкилотларига насиб этди. Ғолиб ва совриндорлар фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Дилафрўз КАРИМОВА

### Ўзги соғломлаштириш

## «Боғишамол» севимли маскан

Анджоннинг машҳур «Боғи Бобур» дам олиш масканидан узоқ бўлмаган Хотум қишлоғидаги «Боғишамол» болалар эзги соғломлаштириш оромгоҳини топиб боришга унча қийналмадик. Бизга йўл кўрсатган киши беихтиёр «Оромгоҳ ҳозир жуда зўр бўлиб кетган» деб қўшиб қўйди.

Бир ёни бог, бир ёни адирликдан иборат кўчага етиб келишингиз билан Анджоннинг ёқимли ҳавоси кайфиятингизни кўтарарди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда оромгоҳ янги қиёфа касб этди. Бу ерда болаларнинг мароқли дам олиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қарори билан оромгоҳда капитал реконструкция ишлари олиб борилиб, ўтган йили таъмирлаш ишлари тўлиқ тугатилди. Янги ошхона, ётоқхоналар, бассейн, дам олиш хоналари тўлиқ таъмирланиб, янги меҳнат жиҳозлари ва керакли анжумалар билан таъминланди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфидagi оромгоҳда мавсумда жами 900 нафар болажонни дам олдириш режалаштирилган. Аини пайтда 320 нафар ўғил-қиз хордиқ чиқармоқда. Улардан 51 нафари «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларидир.

Оромгоҳга кириб келишимиз билан футбол майдончасида олиб борилаётган машғулотлар диққатимизни тортди. Маълум бўлишича, 19 нафар ёш футболчи Шўрбулоқдаги футбол мактабидан келиб, шу ерда хордиқ чиқармоқда. Улар мураббий Лочинбек Гулдаев кўл остида футбол сирларини кунт билан ўрганишаётган экан.

Худуди 7,5 гектар майдонда жойлашган оромгоҳда мева-сабзавот етиштириш йўлга қўйилган. Ташқаридан фақат гўшт, сут, нон ва нон маҳсулотлари келтирилади. — Болаларнинг саломатлиги учун тўйимли таомлар муҳим ўрин тутди. Шу боис бор имкониятни ишга солиб, сифатли маҳсулотлардан таомлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди оромгоҳ директори Ғулмуҳоммад Муллажонов. — 300 нафар болани овқатлантиришга мўлжалланган замонавий ошхонамизда 11 нафар ошпаз ишлайди. Керакли маҳсулотларнинг 70 фоизи ўзимизнинг полиздан етказиб берилди.

Оромгоҳда болаларнинг маънавий-маърифий тарбияси ва спорт билан шуғулланиши учун мутахассислар жалб этилган бўлиб, 12 та тўгарак фаолият юритмоқда. Кутубхонада жами 200 та китоб ва битта компьютер бўлиб, китобсевар болаларнинг «Обод турмуш йили»да хивалик болажонларнинг ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш, уларни дам олдириш ва соғломлаштириш билан боғлиқ ишларни тақомиллаштириш юзасидан туман ҳокими ва туман касаба уюшмалари мувофиқлаштириш кенгашининг кўшма қарорлари қабул қилинган аини мuddao бўлди. Унга қўша туманда 6 та оромгоҳ ташкил қилинди. Булар вилоят спорт мактаб-интернати қошидаги «Алпомиш», 20-сон Меҳрибонлик уйидаги «Райхон», 97-сон махсус мактаб-интернат қошидаги «Гунча», 121-сон махсус кўзи оғир болалар мактаб-интернатининг «Камалак», Иқтисодиёт ва сервис касбунар коллежи қошидаги «Қалдирғоч», «Саёт» коллежи қошидаги «Р.Мадаминов» болалар эзги соғломлаштириш оромгоҳларидир. Уларда юрт равақига муносиб ҳисса қўшиб келаятган касаба уюшма аъзоларининг 1670 нафар фарзандлари соғломлаштирилди.

нинг севимли жойига айланган. Инглиз тили тўғраги машғулотларини Анджон Давлат университетидан тақлиф этилган мутахассис олиб боради.

— Уч йилдан буён шу оромгоҳда дам оламан, — дейди Шаҳло Орипова. — Севимли машғулотим китоб ўқиш, шу сабабдан кўп вақтим кутубхонада ўтади. Бу масканда 20-40 метр ҳажмдаги бассейн жорий таъмирдан чиқарилган бўлиб, туман ДСЭН ходимлари томонидан сувга махсус зарарсизлантирувчи воситалар билан ишлов берилган. Ўзининг жазираси иссиғида мириқиб чўмилишга нима етсин. Шу боис сузиш тўғраги доим гавжум.

— Болаларнинг кечки дам олиш вақтида турли дастурлар намойиш этилмоқда, — дейди оромгоҳнинг мавсумий раҳбари Замира Азимова. — Улар учун вилоят «Лола» қўғирчоқ театри томонидан турли эртаклар намойиши ташкил этилмоқда. Яқинда «Миллий тикланиш» партияси вилоят бўлими ходимлари «Халқ ўйинлари фестивали»ни ўтказиб, болаларга турли совғалар топширдилар. Вилоят «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳам турли тадбирлар уюштириб, болажонларни сийлаб турибди. Саховатпеша хомийларимизга ташаккур, дейимиз.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

## Бетакроп таассуротлар оғушида

Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қарорларидан келиб чиққан ҳолда «Алпомиш» оромгоҳида интеллектуал салоҳиятли болалар ҳам дам олдирилди. Шу мақсадда қўшни Янгиариқ ва Богот туманларидан 80 нафар, вилоятимизнинг энг чекка ҳудуди саналган Хазорасп туманидаги Саримой, Тупроққала қишлоқларидан 70 нафар иқтидорли болалар жалб этилди.

Эзги соғломлаштириш ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича ишчи гуруҳи тасдиқланди. Барча оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш ва керакли жиҳозлар билан таъминлаш чоралари кўрилди. Қувонарлиси, фарзандларимизнинг туман ҳокимлиги хомийлигида бепул дам олишлари таъминланди. Ота-оналарнинг бадал пуллари ҳам туман ҳокимлиги қошидаги эзги мавсумда ўқувчи-ёшларни дам олдириш ва соғломлаштириш жағғармаси ҳисобидан қопланди. Ушбу тадбирга 79474268 сўм миқдорда маблағ сарфланди.

Туман касаба уюшмалари мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан оромгоҳларда Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, бадиий адабиётлар, газета ва журналлар билан таъминланган, лотин графикасига асосланган китоблар билан бойитилган кутубхоналар ташкил этилди. Бундан ташқари, маънавий соатлари ўтказиб турилди. Бадиий хаваскорлик тўгараклари жорий этилди. Меҳнат ва уруш фахрийлари, турли соҳа илгор вакиллари билан учрашувлар уюштирилди. Вақти-вақти билан болалар шаҳарнинг тарихий қадимжоларига, Хоразм Маълум академиясига, шаҳар истироҳат боғларига олиб борилди. Оромгоҳларда эса Хоразм қўғирчоқ театри томошалари намойиш этилди.

Мавсумда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тавсияларига мувофиқ, фан олимпиадалари, таълим соҳасининг турли даражадаги мусобақа ғолиблари бўлган ҳамда кам таъминланган, етим болаларни дам олдириш ва соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

«Райхон» оромгоҳи очилиш тадбирида вилоят ҳокими Пулат Бобоҷонов ва бошқа мутасадди идоралар вакиллари иштирок этдилар. «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хива туман кенгаши тўхфалари топширилди. Хомий ташкилотлар томонидан телевизор, мусиқа маркази, болалар учун спорт кийимлари ва бошқа совға-саломлар тақдим этилди.

Вилоят спорт мактаб-интернати қошидаги «Алпомиш» оромгоҳида таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан «Бахтли болалар мамлақати» тадбири ўтказилди. Тадбирда туман ҳокими, сенатор Даврон Аллақулиев, Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилоятидаги масъул ташкилотчиси Муҳаммад Раҳимов, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, туман ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлими, «Камолот» ЁИХ туман кенгаши, вилоят 12-сон футболга иттифослаштирилган мактаб-интернати, туман «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, туман ИИБ ходимлари, туман соғлиқни сақлаш бўлими вакиллари сўзга чиқиб, истиқлолнинг илк даврлариданқ болаларнинг бахтли, саодатли, комил инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон» шiori остида ўтказилган фестивал болалар хотирасида бир умрга муҳрланди. Унга 4 та дам олиш масканининг 450 нафар тарбияланувчилари жалб қилинди. Расм чизиш, шахмат-шашка, сузиш бўйича спорт мусобақалари ташкил қилинди. «Ўзбекнаво» Хоразм вилоят бўлими томонидан уюштирилган гала-концерт чинакаммига байрам тантанасига айланib кетди.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларини ўрганиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридa белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида «Алпомиш» оромгоҳида инглиз тили тўғраги ташкил қилинди. Дам олувчилар инглиз тилидаги шеър ва қўшиқлари билан тадбирларни мазмунан бойитишга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Тадбирларни самарали уюштиришда ижтимоий шерикларимизнинг кўмаги ҳам катта бўлди. Айтилик, «Райхон» болалар дам олиш масканида ўтказилган «Оромгоҳда «Камолот» билан бир кун» тадбирини болажонлар катта қизиқиш билан кутиб олдилар.

Дилдора РАЗЗОҚОВА, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хива туман кенгаши раиси

Қандай яшайсиз, маҳалладош?

Ҳар бир маҳалланинг ўзига хос қиёфаси, файзу таровати бор. Аҳиллик ва биродарлик каби эзгу қадриятлар, қолаверса, кўни-қўшничилик муносабатларидан тортиб, ёши улугларга ҳурмат, ёрдамга муҳтожларга кўмак беришдек фазилатлар, даставвал маҳаллада шаклланади. Шу боис уни бир сўз билан меҳр-оқибат, бағрикенглик маскани, деймиз.

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида жойлашган Бобур номидаги маҳалла намунали фуқаролар йиғинларидан бири сифатида эътироф этилади. Худудда Равшан Йўлдошев бошчилигидаги фаоллар ташаббуси билан кўплаб хайрли ишлар амалга оширилган. Йўлингиз тушиб, маҳаллага ташриф буюрсангиз, марказда яратилган шарт-шароитлар ва қулайликлардан, озодалиги-ю ободлигидан кўнгли яйрайди. Айниқса, Обод турмуш йили муносабати билан ушбу гўшанинг «Намунавий маҳалла» дастурига киритилгани натижасида бажарилаётган ишлар салмоғи янада ошди.



Халқ виждони. Маҳалла фаоллари ва фуқаролар йиғин аъзолари билан мулоқот қилиш ва ҳужжатларни кўриб чиқиш.

Жумладан, 52 та кўпқаватли уй йўлаклари таъмирланиб, 21 та болалар майдончалари ташкил этилди ва янги инвентарлар ўрнатилди. Шунингдек, 48 та ноқонуний қурилмалар бузилиб, тартибга келтириш ишлари бошланди.

Маҳаллада шанба ва якшанба тозалик куни, деб эълон қилинган. Шу кунни барча баҳамжихат теварак-атрофни кўркамлаштириш пайдида бўлади. Уйлар олдига бунёд этилган 10 дан ортиқ гулхона, кўчаларга ўтказилган 2300 та манзарали, 150 та мевали дарахт кўчатлари ана шу сайёҳаракатлар натижасидир.

Маҳалламизда саккиз мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди йиғин раиси. — Улар турли миллат вакиллари. Ўзингизга маълум, маҳалланинг мўҳим вазифаларидан бири, бу аҳолининг эҳтиёжидан қатламни қўллаб-қувватлаш, уларга маънавий ва моддий кўмак беришдан иборат.

Эзгу иш — ҳар кунги юмуш

Шу боис фуқароларнинг турмуш тарзи, оилавий ахлоқини ўрганиш кўнгли юмушимиз. Ким қандай яшайгани, нима билан шугулланаётганидан тўлиқ хабардормиз. Зеро, давлатимиз томонидан маҳаллага берилётган эътибор, вақолатлар юки жуда залворли. Олдимизга қўйилган юксак вазифалар бир ёқадан бош чиқариб, барча масалаларни ахиллик ва оқилона ҳал этишимизни тақозо этади.

ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИК

— Маҳаллам ободлигига қай даражада ҳисса қўяялман? — Танлаган мутахассислигим орқали эл-юртимга наф

қилтира оламанимиз? — Муस्ताқиллик — менинг тақдиримда...

Туман Хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ва маҳалла фаоллари ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбатига ана шу саволлар доирасида фикр-мулоҳазалар юритилди. Тадбирда мактаб, мактабга таълим муассасалари вакиллари, битирувчи ёшлар ва ота-оналар қатнашди.

Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси, профессор Султонхўжа Арипхўжаев Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат Муқтақиллигининг 22 йиллик

байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорининг мазмун-моҳияти юзасидан маъруза қилди.

— Бу каби тадбирлар ёшлар иштирокида мунтазам ўтказиб борилапти, — дейди фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилмира Ҳамидова.

Маҳалла худудига 2 та мактаб ва 2 та мактабгача таълим муассасаси мавжуд. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, дарса қатнаши, ўзи севган машғулоти билан шугулланишни таъминлаш мақсадида оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги асосида бир қатор чора-

тадбирлар ишлаб чиқилган. Шунингдек, коллеж ва академик лицей битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича туман Бандликка кўмаклашиш маркази билан бир қатор ишларни амалга оширялмиз.

Жорий йилда маҳалла ёшларидан 89 нафари касб-хўнара коллежларини тамомлади. Эндиликда улар уч томонлама тузилган шартномага кўра қорхона ва ташкилотларда меҳнат фаолиятини бошлайди. Уларнинг бандлигини назорат қилиш мақсадида маҳаллада темир дафтарлар жорий этилди. Унга мувофиқ маҳалла профилактика нозирлари ва фаоллар ҳар бир бити-

рувчининг хонадонига ташриф буюриб, оилавий шароитини ўрганиши ва ота-оналардан қафолат хатлари олинади.

Бундан ташқари, маҳаллада «Ораста қизлар клуби» фаолияти йўлга қўйилган. Унда турмуш қуриш ёшидаги қизларни оилага тайёрлаш борасида муайян ишлар қилинди. Клуб машғулотирига шифокор, психолог, катта ҳаётий таърибга эга онахонлар ташриф буюриб, бўлажақ оналарни келинлик вазифаси, қайнона-келин ва турмуш ўртоғига муносабат, бола тарбиялаш борасидаги йўл-йўриқлардан воқиф этишаётир. Айниқса, машғулотларда «Тенгдош-тенгдошга» лойиҳаси асосида қизларнинг бир-бири билан фикр алмашиши, уларнинг

мумкин. Бунда, албатта, атрофдагиларнинг кўмағи зарур. Маҳалла қошидаги Яраштириш комиссияси аъзолари ана шундай низоли муносабатларни ҳал этишда доимо қамарбаста.

Маҳаллада яшовчи Ниғора Ғ. (исми-шарифи ўзгартириб берилмоқда) ҳам турмуш ўртоғи билан аразлиқ қолганда, энди ажрашиб кетсак керак, деб ўйлаганди. Бирок ўртада гулдек фарзандининг қўнгли кемтик ўсишини хоҳламади. Минг хижолат билан маҳалла идорасига келиб, бўлган воқеани гапириб берди. Яраштириш комиссияси аъзоларининг зудликда чора кўриб, тушунтириш олиб бориши натижасида ажрим ёқасига келган оила муносабатлари тикланди.

Утган олти ой мобайнида Яраштириш комиссиясига 17 та ариза келиб тушди. Уларнинг аксарияти маҳалланинг ўзида фаоллар сайёҳаракати билан илҳий ҳал этилди.

БЕКОРГА ЭШИК ЧЕРТИЛМАЙДИ

Йиғин идорасидан қайтаётган пайтимизда вақт шомга яқинлашган эди. Бирок шунда ҳам келиб-кетувчиларнинг қадами узилмади. Ҳаммининг ташвиши бор: кимдир моддий ёрдам сўраса, кимдир банктан кредит олмақчи, яна кимдир маълумотнома сўради. Хуллас, муносабатларнинг адоғи йўқ. Йиғин раиси, масъул қотиб, маслаҳатчи фуқаролар арзини эринмасдан эшитишдаи ва керакли ёрдамни аяшмайди. Ташвиши енгиллашиб, юзиди мамнурилиқ зоҳир бўлган маҳалладошларни кўриб, фуқаролар йиғинининг нуфузи тобора ортаётгани, энг муҳими, одамлар кўнглига йўл топилаётганидан қувончди.

Гўзал НОРҚАЕВА, «Ishonch» муҳбири

Меҳнат муҳофазаси

Олмаликдаги кон-металлургия комбинати, «Ўзметкомбинат» ОАЖ, Ангрендаги «Ўзбеккўмир», «Максам-Чирчик» ОАЖ, «Аммофос-Максам» ОАЖ, Бекобод ва Оҳангрон цемент заводи сингари қорхоналарда меҳнат муҳофазасига жиддий эътибор қаратилаётир.

Мазкур қорхоналарда иш шароитларини баҳолаш, яъни хавфлилик даражасини аниқлаш мақсадида иш жойларида шаходатлаш ишлари олиб бориляпти. Тегишли хулосалар асосида ноқулай ёки оғир меҳнат шароитларида ишлаётганларга йиллик кўшимча таътиллар, қисқартирилган иш кунлари белгиламоқда. Масалан, «Ўзметкомбинат» ОАЖда жами 1629 касб мавжуд бўлиб, иш жойларини шаходатлаш натижасида 2-руйхат бўйича - 1809 нафар, 3-руйхат бўйича эса 2079 киши имтиёзли пенсияга чиқди. Жорий йилнинг шу кўнига қадар иш жойларини аттестациядан ўтказиш бўйича 128 та чора-тадбир режалаштирилган бўлиб, уларни бажариш бўйича кенг фаолият юритилмоқда.



Эрта бугундан куч олади

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

«Ўзметкомбинат» очик акциядорлик жамияти мартен цехида 330 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилаётди. Цехнинг асосий вазифаси иккиламчи металл парчаларини қабул қилиш, қайта ишлаш, уларни мартен печида эритиш, зулуксиз пўлат кўши машинасида квадрат ҳолдаги ярим тайёр маҳсулотга айлантириб, 1-навли прокат цехига юборишдан иборат.

Бу ерда меҳнат муҳофазаси ҳолати бўйича уч поғонали маъмурий-жамоатчилик назорати ташкил этилган бўлиб, ҳар бир бўлинма, бригадаларда вакиллар сайланган.

Жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида 20 марта назорат ўтказилди. Текшириш натижасида 305 та камчилик аниқланди ва махсус журналга қайд этилди. Уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тегишли шахсларга бириктирилиб, бевосита ижроси назоратга олинди. Текшириш натижалари асосида 30 дан ортиқ раҳбар ва ишчи-ҳодимга интизомий жазо белгиланди.

Комбинатда, шу жумладан, мартен цехида касбий саломатлик ва хавфсизлик менежменти тизими жорий этилган. Цех бўйича 5 та тадбир режалаштирилган бўлиб, улар иш жойларида таваққулчилик хавфи даражаларини камайтириш ҳамда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган.

Шунингдек, ишчи-ҳодимларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида ҳар йили тиббий кўрик ўтказилиб, профилактик чора-тадбирлар кўрилмоқда. Меҳнат аҳлининг меҳнат муҳофазаси бўйича биллиларини ошириш кўн тартибидида долзарб вазифалардан саналади. Ишчи-ҳодимларнинг билли даражасини текшириш тестлар асосида ташкил этиляпти.

ТЕКШИРИШЛАР НАТИЖАСИ

Тошкент вилояти Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекцияси томонидан жорий йилнинг 5 ойи давомида 182 та қорхона ва ташкилотда Меҳнатни муҳофаза қилишга оид қўн талаблари бажарилиши юзасидан текширишлар ўтказилди. Пировард натижада 2827 та меҳнат муҳофазаси ҳолида ва мейёрлари бузилганлиги аниқланди. Ушбу ҳолатларга йўл қўйган 187 нафар мансабдор шахс белгиланган тартибда маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилди. Улардан 5 нафари эгаллаб турган лавозимидан овоз этилди, 13 нафарига интизомий жазо чоралари қўрилди, 169 нафарига Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексини маъмурий жазога тортилди.

Аниқланган камчиликлар юзасидан 172 та қорхона ва ташкилот раҳбарлари номига бажарилиши

Ўқув-семинар

Бор овоз-ла куйлайлик муस्ताқиллик неъматларини

Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳада кўплаб ютуқларга эришилди. Ушбу муваффақиятларни оммавий ахборот воситаларида таъсирчан услуб ва замонавий шаклларда кенг тарғиб этиш, журналистларнинг сиёсий, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодий ва маънавият, ижтимоий ҳаёт, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ривожланишларга оид биллиларини ошириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Миллий матбуот марказида журналистларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга оид биллиларини янада такомиллаштириш мақсадида ўтказилган «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтиخورисман, муस्ताқил Ўзбекистон!» мавзусидаги ўқув-семинар шу мақсадга қаратилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон миллий телерадиокўмпанияси ҳамда Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси, Академия профессор-ўқитувчилари, ОАВ вакиллари, турли

идора, муассаса, ташкилотларнинг ахборот хизмати раҳбар ва ходимлари иштирок этишди.

Ўқув-семинарни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори Абдуҷаббор Абдувоҳидов қирриш сўзи билан очди. Шундан сўнг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори Маматқул Ҳазратқулов, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Фулом Мирзаев, Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси кўмитаси раиси, сиёсатшунослик фанлари доктори Қодир Жўраев, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Озода Парпиева ва бошқалар сўзга чиқиб, «Муस्ताқиллик эркин ва бахтли яшаш ҳуқуқидир», «Муस्ताқиллик йилларида маънавият соҳасида амалга оширилган ишлар ва ОАВни эркинлаштиришга доир ислохотлар», «Ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш — барқарор тараққиёт асоси», «Хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш», «Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислохотларнинг мазмун-моҳияти» каби мавзуларда маърузалар қилишди.

Семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ishonch» муҳбири

Оилавий бизнес

Сирдарё вилоятида тадбиркорлик субъектлари 700 тага етди. Уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 80 фоизни ташкил этмоқда. Бугунги кунда вилоят иқтисодиётида жами меҳнат билан банд аҳолининг 78 фоиздан зиёди ушбу секторда фаолият юритяпти.

Ҳайрат боиси

Гулистон туманилик Ўқтам Шодмонқулов бир неча йилдирки, турли чиганқоқлар, мева даянақлари, шол, сомон ва дарахт баргларида антика шакллар ясапти. Ширин шаҳрида яшовчи Навбахор Ҳалимованинг гурруч, мош, тарик, турли дон экинлари ва уруғлардан тайёрлаган «Она меҳри», «Табиаат манзараси», «Бегубор баҳор» суратлари кўпчиликни ҳайратга соляпти. Хунарманд киз «Ташаббус — 2012» кўрик-танловида муносиб тақдирланган.

— Истиқлол тўғрисида миллий хунармандчилигимиз равнақ тоғди, — дейди у. — Давлатимиз томонидан берилган имтиёзлар бизни руҳлантирмоқда.

Анорб НОРҚУЛОВ

«Ишонч телефони» эшитади

Самарқанд вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига шу йилнинг олти ойида 43 та ёзма, 49 та оғзаки мурожаат қилинди. Бирлашма бўлимлари томонидан шикоят-аризалар қўнида белгиланган тартибда кўриб чиқилмоқда. «Ишонч телефонлари» бўлган 66 та мурожаат бўйича ҳам фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Мурожаат эътиборда

Утган даврда бирлашма юридик бўлими томонидан 39 дан ортиқ қорхона ва ташкилотда учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилди. «Сиз қўнунчи биласизми?» мавзусида ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилиди. Айри ходимларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Мавлуда Пирматовна Самарқанд вилоят Ўсимликларни химоя қилиш марказидаги лавозимдан бўшагач, тегишли микродордаги иш ҳақини ололмади. Иш берувчи томонидан бир неча бор овоза қилинган ҳодим қасаба уюшмаларига мурожаат қилди. Натижанда, унга тўланмасдан қолган бир миллион сўмга яқин иш ҳақи ундириб берилди. Шундай ҳолатни Пахтачи туман пахта тозалаш заводи ишчиси М.Тўрақулова ҳам бошидан ўтказди. Қасаба уюшмаси аралашуви билан масала илҳий ҳал этилди.

Мурожаатларга эътибор қаратсак, баъзан иш берувчилар қўнун талабларидан атайин чекинмайётгандек туюлади. Масалан, Н.Маматқулованинг ҳомиладорлик таътилига чиқиши пайсалга солиб келинган. Қасаба уюшмаси кўмағи билан унинг ҳомиладорлик таътили ҳамда нафақа пуллари ундириб берилди.

Бир сўз билан айтганда, қасаба уюшмаларига қилинган ҳар бир мурожаат чуқур ўрганилиб, қўнун доирасида ҳал этилмоқда.

Ф.САДУЛЛАЕВ, Самарқанд вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг етакчи мутахассиси

Сўранг, жавоб берамиз

Савол: Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида ОАТБ «Микрокредит» банкнинг Боёвут филилидан кредит олмақчи бўлиб, Янгиер шаҳрида жойлашган савдо дўконини гаровга қўймоқчиман. Ушбу масала билан Боёвут туман давлат нотариал идорасига мурожаат қилишим мумкинми?

З.КАЗАКОВ, Сайхунбод тумани

Жавоб: Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 51-бандига асосан, кўчмас мулкни гаровга (ипотекага) қўйиш тўғрисидаги шартнома шу мулк жойлашган худуддаги нотариус томонидан тасдиқланиши лозим.

Савол: Транспорти воситасини қайд этиш гувоҳномасида яшаш жойини Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри деб кўрсатилган. Тошкент шаҳрида автомашинанинг олди-сотди шартномасини расмийлаштириш учун нотариал идорага мурожаат қилганимда, автомашина тақидда турши ёки турмаслиги ҳақида маълумотномани тақдим қилишимиз сўрашди. Ушбу маълумотномани қаердан олишим мумкин?

А.ОЧИЛОВ, Мирзаобод тумани

Жавоб: Ушбу маълумотномани Автомобилотранспорт воситаларини хатлаш, бошқа шахсга беришни тақидлаш ва тақидни олиб ташлаш, шунингдек, автомобилотранспорт воситаларини хатлаш ва бошқа шахсга беришни тақидлаш тўғрисидаги маълумотларнинг ҳужжатлаштирилган банкни юритувчи Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар нотариал идорасидан олишингиз мумкин.

Савол: Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда туриб яшасам-да, Гулистон шаҳрида 3 хонали квартирам бор. Олди-сотди шартномасини расмийлаштириш учун кўчмас мулк жойлашган жойдаги нотариал идорага бормасдан уни қандай расмийлаштириш мумкин?

Ш.АБДУЛЛАЕВ, Сирдарё тумани

Жавоб: Кўчмас мулк жойлашган жойдаги нотариал идорага бориш имкони янгиингиз бўлмаса, ўзга шахс номига нотариус томонидан тасдиқланган кўчмас мулкни сотиш ҳуқуқи билан ишончнома беришингиз мумкин.

Шунингдек, агарда кўчмас мулк турмуш ўртоғингиз билан биргаликдаги никоҳингиз давомида орттирилган бўлса, Оила Кодексининг 23-моддасига асосан унинг ҳам нотариус томонидан тасдиқланган розилик аризаси лозим.

Саволларга Ширин шаҳар давлат нотариал идораси нотариуси М.ШУКУРОВ жавоб берди

Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» муҳбири

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги олдида

Қадрият ва анъаналар шукуҳи

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча шаҳар, қишлоқ ва маҳаллаларида байрам шукуҳи ҳукмрон. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмапти.

Зарафшон шаҳар саннат касб-ҳунар коллежида ҳудуддаги таълим муассасалари раҳбарлари ва ўқитувчилари, маҳаллалар фаоллари иштирокида бўлиб ўтган учрашувда ҳам мустақиллик ҳар бир юрдошимиз ҳаётида ёрқин саҳифалар очгани алоҳида таъ-

қилди. Ўтган қисқа даврда эришилган муваффақиятлар мамлакатимизда узoқни кўзлаб, ҳар томонлама чуқур ўйланган оқилона сиёсат маҳсули эканлиги, Ватанимизда тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлиги, инсон манфаатлари йўлида олиб бoриладиган

профессори Сулаймон Иноятov одамларимиз руҳияти ва маънавиятидаги юксалишлар ҳаётнинг барча жабҳаларида олиб бoриладиган ислохотлар, муваффақиятларнинг муҳим ва таъсирчан омили бўлмоқда, дея алоҳида қайд этди.

Учрашувда 4-мактаб директори, қозoқ миллий маданий маркази раҳбари М.Орманбаева, 1-мактаб директори Д.Тўхтаева, Довғизтов кўрғонидagi 7-мактаб директори Л.Лихачёва мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатларарo тоғувлик, бағрикенглик ва халқимизга хос бўлган бошқа хислатлар муваффақиятлар омили бўлаётганига алоҳида ургу бердилар.

Музаффар МУКИМОВ, журналист



Футбол

Ўзбекистон миллий терма жамоаси бoш мураббийи Миржалол Қосимов 14 август куни Туркия терма жамоасига қарши кечадиган ўртоқлик учрашувидан олдин терма жамоа сафига қақирилган футболчиларнинг кенгайтирилган рўйхатини эълон қилди. Ушбу рўйхатдан жами 30 футболчи ўрин олган.

Кенгайтирилган рўйхат

- Дарвозабонлар: Игнатий Нестеров («Бунёдор»), Муроджон Зўхуров («Бунёдор»), Сардор Қобулжонов («Бухоро»), Александр Лобанов («Пахтакор»). Ҳимоячилар: Шохруҳ Гадов («Насаф»), Виталий Денисов («Локомотив» Москва), Артем Филиппов («Бунёдор»), Акмал Шораҳмедов («Бунёдор»), Шавкат Муллажонов («Лиаонинг Вофин»), Анзур Исмоилов («Чангчун Ятай»), Илом Тўхтаўжаев («Локомотив»), Илом Иномов («Локомотив»), Егор Кримец («Бейжинг Гуоан»). Ярим ҳимоячилар: Олег Зотев («Бунёдор»), Жасур Ҳасанов («Бунёдор»), Фозил Мусаев («Ал-Муайзер»), Сервер Жепаров («Сеонгнам Ильва Чунма»), Азиз Ҳайдаров («Аш-Шабоб» Дубай), Одил Аҳмедов («Анжи»), Темур Кападзе («Актобе»), Санжар Турсунов («Локомотив»), Жасур Ҳасанов (Локомотив), Владимир Козак («Пахтакор»), Жамшид Искандаров («Пахтакор»), Аббос Махталиев («Пахтакор»). Ҳужумчилар: Улугбек Бақоев («Иртиш»), Иван Нагаев («Локомотив»), Игор Сергеев («Пахтакор»), Фарҳод Тожиев («Локомотив»), Баҳодир Насимов («Нефчи» Баку).

Эслаб ўтамиз, Ўзбекистон ҳамда Туркия миллий терма жамоалари ўртасидаги ўртоқлик учрашуви 14 август кунини «Пахтакор» стадионида бўлиб ўтади. Учрашувнинг бошланиш вақти 18:00га белгиланган.

Бокс

Бокс бўйича миллий терма жамоамиз аъзоси Муроджон Аҳмадалиев Россияда ўтказилган халқаро турнирда голиб чиқди.



Кумуш эди, олтин бўлди

Санкт-Петербург шаҳрида старт олган мусобақада 52 кг. вазн тоифасида жангларда иштирок этган вакилимиз финалгача бўлган йўлни муваффақиятли босиб ўтди. Ҳал қилувчи беллашувда Нарек Абаряни (Арманистон) катта устунлик билан енгган вакилимиз олтин медал соҳибига айланди.

Эслаб ўтамиз, Муроджон Арманистонда ёшлар ўртасида ўтказилган Жаҳон чемпионатида иккинчи бўлган эди.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

Давра суҳбати

Фаргона вилоят ОИТСга қарши курашиш ва унинг олдини олиш маркази «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят ҳудудий кенгаши билан ҳамкорликда таълим муассасаларида «Оиланг, дўстларингни, ўзингни ОИТСдан ўзинг асра!» шiori остида суҳбатлар ўтказилмоқда.

Ўзини асрагани...

Марғилон шаҳар енгил саннат коллежида бўлиб ўтган давра суҳбати ҳам айнан шу мавзуга бағишланди. Икки юз нафар талаба иштирок этган анжуманда ОИТС маркази мутахассиси М. Юсупов «аср вабоси» деб номланган бу бедаво касаллик дунё мамлакатларида асосий тиббий-ижтимоий ҳисомлардан бири бўлиб қолаётганини афсус билан тилга олди. Шунингдек, мутахассис шифокор бедаво дарддан ҳимояланиш чора-тадбирлари тўғрисида кенг маълумот берди.

Тадбир якунида ОИТСга қарши буклет, рисола ва кўлланмалар тарқатилди.

Муҳаммадjon МАХМУДОВ



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғда Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида маърифий тадбир бўлиб ўтди.



Миллий боғда байрам тадбири

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирга сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла ва хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, нуруний отахон ва онахонлар, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-

си Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси М.Ҳужамбердиев, Ўзбекистон халқ артисти М.Бекжонова ва бошқалар Президентимиз Ислам Қаримов раҳнамолигида маҳаллаларнинг маъқени юксалтириш, вақолат ва имкониятини кенгайтиришга қаратилган эътибор мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади. Бу борадаги ишлар кўлами Обод турмуш йилида янада кенгаймоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 24 июлда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш органлари тизимидаги ҳодимлардан бир гуруҳини муқофотлаш тўғрисида»ги фармони мувофиқ

фуқаролик жамиятини ривожлантириш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини, миллатларарo ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва миллий истиқлол ғойисига садоқат руҳида тарбиялашга қўшаётган ҳиссаси учун маҳалла фаолларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Истиқлол йилларида маҳалланинг тарбия, меҳр-оқибат, маънавият, қадриятлар маскани сифатидаги ўрни ва аҳамиятини тобора юксалтириш йўлидаги эзгу сай-ҳаракатлар бизнинг фуқаролар йиғини фаолиятида ҳам ўзи ифодасини топомқда, — дейди Юнусов тўғрисидаги «Бободехон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тоир Эргашев. — Маҳал-

Реабилитация

16 ёшли Мухлиса неча йилдан буён кўчага чиқиб, кўпга қўшила олмасди. Сабаби, букрилик касали бор эди. Ниҳоят, унинг орзулари ушалди. Юртимизнинг қўли енгил шифокорлари туфайли даво топди.

Ҳар қандай жамиятнинг ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги сиёсати ногиронларни реабилитация қилиш орқали уларга тўлақонли турмуш кечирishi, ўқиш, таълим олиш, касб эгаллаш, меҳнат қилиш ҳамда ўз ҳуқуқ ва иқтисодий эркинликларини рўбга чиқаришга йўналтирилган. «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг янги тахририда (2008 й.) қабул қилиниши, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010-2012 йиллар давомида қабул қилинган ногиронлар тиббий-ижтимоий экспертизаси ва комплекс реабилитациясига доир бир қатор қарорлар ҳамда бошқа расмий ҳужжатларнинг амалиётга киритилиши бу борадаги меъёрий-ҳуқуқий базанинг такомиллаштирилишига асос бўлди. Айниқса, БМТ Бош Ассамблеяси 2006 йил 13 декабрда қабул қилган «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланиши муҳим воқеа бўлди.

жариблиб, ногиронларга барча қулай шарт-шароитлар яратилди. Шу билан бирга, бугунги кунда марказ ҳудудида 56 ўринга мўлжалланган қўшимча

Марказнинг асосий мақсоди турли жароҳат ва касалликлар асорати туфайли имконияти чекланган шахсларнинг тиббий, ижтимоий, психологик, касбий реабилитация тадбирларини ўтказиш ҳамда ҳуқуқий маслаҳатлар бериш орқали уларнинг жамиятга уйғунлашувига кўмак беришидир.

Марказда 6 та клиник бўлим (терапия, асаб касалликлари, умуртка поғонаси жароҳати ва касалликлари патологияси, жароҳатлар оқибати, протезлаш, ижтимоий-касбий реабилитация), жарроҳлик блоки ва интенсив терапия, компьютер-томография, рент-

Шифокорларнинг аксарияти Буюк Британия, Германия, Швейцария, Япония, Жанубий Корея, Австрия, Польша, Туркия, Россия, Беларусь, Украинанинг йирик илмий-тадқиқот марказ ва клиникалари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида малака оширган. Бугунги кунда марказда 4 нафар тиббиёт фанлари доктори ва 7 нафар фан номзоди фаолият кўрсатмоқда.

Япония ҳукумати томонидан кўрсатилган грант ёрдами билан 59 турдаги тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар келтирилиб, 2010 йилнинг 16 апрелидан бошлаб ногиронларга бепул тўлиқ

қониятлардан тўлиқ фойдаланиш каби жиҳатлар ҳисобга олиниши алоҳида таъкидланди. Матбуот ногиронларга ҳуқуқий саводхонлиқни ўргатиш, уларнинг оила, ўқиш ва иш, бир сўз билан айтганда, жамиятдаги фаолиятларини ёритиш, ҳар бир ногироннинг кўнглини кўтариб, фаол ҳаётий позицияни эгаллашга даъват этиш учун ишончли маънавий таянч бўлиб келмоқда. Ногиронлар даврий нашрлар орқали ўз фикр-мулоҳазалари, яратувчанлик борасидаги сайё-ҳаракатларини бемалол ифода этишяпти. Бу борада тадбирлар уюштирилмоқда.

Қизим Муножотхон 1977 йилда туғилган, — дейди андижонлик Мунаввар Мирзаабдуллаева. — Бу ерда диск чурраси касаллиги билан даволяпти. Операциядан чиққанига 4 кун бўлди. Шифокорлар чуррадан ташқари гангиома касалини ҳам аниқлаб, ёрдам беришди. У ўзини жуда яхши ҳис қилапти. Шокир Қосимов, Алишер Сатторов, Баҳодир Сапаров, Зайниддин Бекмуродов, Чорӣ Шердонев, Абдухалил Ҳамроев, Дилбар Султонова, Саида Матмусаева, Нигора Турсунова ва бошқа кўплаб ходимларга миннатдорлик билдираман. Қараздиннинг енгил юраётганини кўриб, кўнчининг янада ортди.

Бухоролик Малика Ҳайитова, Шамсиддин Наврозов, пайриқлик Гулноза Маммадалиева каби беморлар ҳам соғлиғидан маннуничилигини кўриб, уларнинг кўнглини шод айлаган марказ ходимларига савобга йўғрилган эзгу ишларидега катта муваффақиятлар тилади.

Комила БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» мухбири

Умид ва нажот

яниг даволаш биноси куриб битказилмоқда. Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 17-майдаги 89-сонли қарорига мувофиқ Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш миллий маркази ҳамда Таянч-ҳаракат тизими бузилган ногиронларни соғломлаштириш республика марказини бирлаштириш йўли билан ташкил этилган ва 200 ўринга эга бўлиб, 2 та ҳудудда жойлашган. Жумладан, 10 ўрин таянч-ҳаракат аъзолари тизимида бузилишлар бўлган, асосан протез-ортопедия маҳсулотларига муҳтож ногирон болаларга ажратилган.

ген, физиотерапия ва даволаш бадан-тарбия, функционал-диагностика ва тестлаш, биокимё лаборатория бўлими ва бошқа физиотерапия, даволаш жабдатлари асбоб-ускуналари, тренажёрлар, биокимё лаборатория жиҳозларидан ногиронларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишда самарали фойдаланилмоқда.

Ижтимоий-касбий реабилитация бўлимида олиб бoриладиган тадбирлар натижасида, айниқса, бoш мия инсулти, болалар церебрал фалажлиги, туғма ва орттирилган умуртка поғонаси касалликлари, кўл ва оёқдаги қўтқоқилар оқибатидан ногиронлар

тиқ тахлили ишлар амалга оширилиб, 20 дан ортиқ илмий-услубий кўлланма тайёрланди, тегишли вазирлик, кўмита, давлат ва нодавлат ташкилотлар амалиётга тақдим этилди. Марказда ўтган «Ногиронларнинг жамиятга интеграциялашувидега матбуотнинг роли» мавзусида ўтган давра суҳбатидега ногиронлик ва ногиронлар тушунчасига фақат касаллик туфайли меҳнат қобилиятини йўқотиш ҳолати деб қараш эмас, балки унинг жамиятда эркин ҳаракатланиши, ўзига ўзи мустақил ёрдам кўрсата олиши ва фаолият кўрсатиши учун турли хил муносабат ва инфратузилмалардаги тўсиқлардан холи бўлиш, ўқиш ва меҳнат қилишга сақлаб қолган барча руҳий ва жисмоний им-

Publication information including contact details for O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi, Bosh muharrir o'rinbosari Zayniddin Rixsiyev, Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadiyev, Oksana Belausova, Sog'Indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev, Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi, and various subscription rates.